

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

И.ф.н. Б.Ш. Хусанов, асс. А.А.Тураев

“МОЛИЯ ВА КРЕДИТ”

Фанидан

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



Самарқанд-2019

и.ф.н. Б.Ш. Хусанов, асс. А.А.Тураев “Молия ва кредит” фанидан амалий машғулотларни ўтказиш бўйича услубий қўлланма. – Самарқанд: СамИСИ, 2019. – 120 б.

Такризчилар: Ходжаев Э.Н. – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

Ражабов Х – Самарқанд шаҳар „ Net Product Lux “ МЧЖ Бош директори

Услубий қўлланма “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг 2019 йил 26 август 1-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган.

Услубий қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услубий Кенгашининг 201_ йил ____-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган.

КИРИШ

Ушбу услубий қўлланма “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” ва “Менежмент ва Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” ҳамда “Касб таълими (иқтисодиёт)” таълим йуналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун “Молия ва кредит” фанининг “Молия” қисмини назарий ва амалий жиҳатдан билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга амалий ёрдам беришга мувожафланган. Услубий қўлланмада намунавий дастурда талабалар томонидан ўрганилиши лозим бўлган мавзулардоирасида амалий топшириқлар, масалалар, тест топшириқлари ва жадвал маълумотлари келтирилган.

Бизга маълумки, мамлакатда яратилган ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини амалга оширишда молия ўзининг аҳамиятлиги ва зарурлиги билан ажралиб туради.

Иқтисодиётни модернизациялашуви ва инновацион ривожлантириш шароитида молия ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз ривожланиши, илмий техник тараққиётни тезлашуви, иқтисодиётнинг барча соҳаларида иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишини таъминлашга йўналтирилгандир.

Молия жамиятда иқтисодий самарадорликни рағбатлантириш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиши билан долзарб аҳамиятга эга.

Услубий қўлланмадан фойдаланиш жараёнида талабалар молия муносабатларини ташкил этишнинг назарий, ҳуқуқий, ташкилий асослари ҳақида билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги даврдаги молиявий сиёсатининг асосий йўналишларини кўрсатиш, молия тизими бўғинларини ва улар орасидаги муносабатлар, маҳаллий бюджетлар ва бюджетлараро муносабатлар, суғурта, молиявий бозорлар ва институтлар фаолияти ҳақида тушунчаларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқаро молия ва унинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни, давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли пул фондлари ва давлат кредити ҳақидаги тушунчаларни ўргатишда амалий машғулотларда тестлар, масалалар тўплами ва бошқа ноодатий топшириқлардан фойдаланган ҳолда амалий билимга эга бўлишади.

Амалий машғулотлар учун
1-Модул.Молиянинг моҳияти ва функциялари
1.1-мавзу. Молия ва давлатнинг вужудга келиши

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий қўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:

- 1.Молия ва давлатнинг вужудга келиши;
- 2.Товар-пул, тақсимлаш, қайта тақсимлаш муносабатлари;
- 3.Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ифодаловчи таъриф;
- 4.Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти;


ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ

1-топшириқ

Тушунчанинг номи	Мазмуни ва таркиби
Молия ҳақида умумий тушунча	
Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти	
Молиянинг ривожланишини биринчи босқичи	
Молиянинг ривожланишини иккинчи босқичи	
Такрор ишлаб чиқариш жараёни босқичларни	
Молия икки функцияни бажаради	

2-Топширик

Маълумки, молия тарихий категория ҳисобланиб, ўзининг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичларига эга, яъни вақт давомида ўзгариб боради. Молиянинг ривожланишини иккита асосий босқичга бўлиб ўрганамиз.



3-Топширик

ТЕСТ

1. “Молия” тушунчаси қисман қандай муносабатларни билдиради?

- А) кредит муносабатларини
- Б) ижтимоий муносабатларини
- С) пул муносабатларини
- Д) савдо муносабатларини

2. “Молия” ибораси нечанчи асрларда қайси давлатнинг савдо шаҳарларида пайдо бўлган?

- А) XIV-XV асрларда Испания
- Б) XV-XVI асрларда Германия
- С) XII-XIII асрларда Россия
- Д) XIII-XIV асрларда Италия

3. Молиянинг ривожланишини нечта асосий босқичга бўлиш мумкин?

- А) тўрта асосий босқич
- Б) учта асосий босқич
- С) иккита асосий босқич
- Д) бешта асосий босқич

4. Такрор ишлаб чиқариш жараёни ўз ичига қандай босқичларни олади?

- А) ишлаб чиқариш, текширув, тақсимлаш, истеъмол
- Б) ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш, тарқатиш
- С) ишлаб чиқариш, алмашув, сотиш, истеъмол
- Д) ишлаб чиқариш, алмашув, тақсимлаш, истеъмол

5. “Молия” қайси тилдан олинган бўлиб, ўзбек тилида қандай манони англатади?

- А) русча сўз бўлиб, ўзбек тилида энг умумий тарзда “молиявий маблағлар”
- Б) юнонча сўз бўлиб, ўзбек тилида энг умумий тарзда “кредит маблағлари”
- С) арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида энг умумий тарзда “пул маблағлари”
- Д) италиянча сўз бўлиб, ўзбек тилида энг умумий тарзда “давлат маблағлари”

6. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир иштирокчиси ўзига тегишли бўлган даромадни нечта қисмга бўлади?

- А) истеъмол фонди, жамғариш фонди
- Б) ишлаб чиқариш фонди, айирбошлаш фонди
- С) тақсимлаш фонди, истеъмол фонди
- Д) ишлаб чиқариш фонди, жамғариш фонди

7. Истемол фонди ўз навбатида икки таркибий қисмдан иборат, улар қайсилар?

- А) иқтисодий истеъмол фондлари, хусусий истеъмол фондлари
- Б) ижтимоий истеъмол фондлари, шахсий истеъмол фондлари
- С) молиявий истеъмол фондлари, кедит истеъмол фондлари
- Д) ижтимоий истеъмол фондлари, молиявий истеъмол фондлари

8. Молия ўз навбатида икки функцияни бажаради, улар қайсилар?

- А) тақсимлаш, жамғариш
- Б) ишлаб чиқариш, айирбошлаш
- С) Тақсимлаш, назорат
- Д) ишлаб чиқариш, назорат


9. Молиянинг қайси функцияси асосини молиявий ресурсларнинг ҳаракати ташкил этади?

- А) жамғариш
- Б) назорат
- С) ишлаб чиқариш
- Д) тақсимлаш


10. – бу давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантириш жараёнида юзага келадиган, давлат томонидан ташкил қилинадиган пул муносабатлари йиғиндисидир.

- А) Солиқ
- Б) Кредит
- С) Молия ва Кредит
- Д) Молия

4-Топширик



5-топширик



1.2-мавзу. Молиявий муносабатлар ва унинг белгилари

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:

1. Молия ва молиявий муносабатлар ва унинг белгилари;
2. Молия ёрдамида ифодаланадиган пул муносабатлари;
3. Молия ва ЯИМ ҳамда МДни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;
4. Замонавий иқтисодиёт ва давлат молияси.

ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ

1-Топшириқ

Тушунчанинг номи	Мазмуни ва таркиби
Молиявий муносабатлар	
Молиявий муносабатлар белгилари	
Молия ёрдамида ифодаланадиган пул муносабатлари	
Замонавий иқтисодиёт	
Давлат молияси	
Молия, ЯИМ ҳамда МД ўзаро боғлиқлиги	

Мавзу бўйича БЛИЦ САВОЛЛАР

2-Топширик

1.Республикамыз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётгани нечанчи йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда?

2.Умумий бюджет харажатларининг ўсишини ҳисобга олганда 1995-2017 йилларда Давлат бюджетидан иқтисодиёт ва инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилган ялпи харажатлар солиштирама нархларда неча фоиздан кўпроқ ошганлиги таъкидлаб утилган?

3.Молиянинг характерли белгиларини санаб беринг?

3-Топширик


Молиявий ресурсларнинг манбалари қуйидагилардир:

Чизмада акс эттиринг

Молиянинг характерли белгилари



1.	
2.	
3.	
4.	



4-Топширик

Вазифа: Юқорида келтирилган жадвалдаги бўш катакларни маълумотлар асосида тўлдиринг.

Ушбу машқ бўйича талаба амалий кўникмага таянган ҳолда мустақил фикрлаши ва хулоса бера олиши

лозим: _____

Молиявий қарор:

2-Модул. Молиявий сиёсат

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:

- 1.Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва принциплари.
- 2.Молиявий сиёсат давлатнинг молиявий муносабатлар соҳасидаги мустақил фаолияти эканлиги. Молиявий стратеги ва тактика
3. Молиявий сиёсатнинг таркибий йўналишларида бюджет сиёсати, солиқ сиёсати, пул сиёсати, кредит сиёсати, баҳо сиёсати, инвестицион сиёсат, ижтимоий молиявий сиёсат, бож сиёсати.
4. Молия механизмининг мазмуни, аҳамияти ва унинг эементлари
5. Молия механизмининг таркибий қисмлари

1-Топширик

Молиявий сиёсатнинг тамойилларини таснифланг:


Тамойиллар		
№	Турлари	Тавсифи
1.		
2.		
3.		
4.		
5.		

Вазифа: *Юқорида келтирилганлар малумотлар асосида ҳар бир омилларни изоҳланг.*

Талаба мустақил фикрларини баён этишлари лозим.

2-Топширик

**Ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характериға,
мураккаблиғига ва даврининг узоқлиғига қараб, молиявий сиёсат
қуйдагиларға бўлиш мумкин:**



Вазифа: Юқорида келтирилганлар малумотлар асосида ҳар бир омилларни изоҳланг.

3-Топширик ТЕСТ

1. Сиёсатнинг асл маъноси қандай маънони англатади?

- А) давлатни бошқариш санъати
- Б) жамиятни бошқариш усули
- С) давлатни химоялаш
- Д) жамиятни юксалтириш

2. – бу давлатнинг ўз функцияларини ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ҳамма йўналишлар, чора ва тадбирлар йиғиндисидир.

- А) Молиявий стратегия
- Б) Кредит
- С) Сиёсат
- Д) Молиявий тактика

3. Сиёсат, сиёсий таъсир ёхуд сиёсий бошқариш нечта муҳим элементлардан иборат?

- А) 5та
- Б) 4та
- С) 2та

Д) 3та

4. – хўжалик юритишнинг тамойиллари ва шакллари, иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ечишдаги усуллар, чоратadbирлар ва фаолиятлар йиғиндисидир.

- А) Иқтисодий сиёсат
- Б) ижтимоий сиёсат
- С) Бошқарув сиёсати
- Д) Кредит сиёсати

5. – давлат фаолиятини нисбатан мустақил соҳаси бўлиб, жамият фаолиятини ихтиёрий жабҳаларида давлат сиёсатини амалга оширишда зарурий молиявий маблағларни манбаи ҳисобланади.

- А) Молиявий стратегия
- Б) Кредит сиёсати
- С) Молиявий Сиёсат
- Д) Молиявий тактика

6. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш жараёнида нечта тамойилларга асосланади?

- А) 4та
- Б) 6та
- С) 5та
- Д) 3та

7. – бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва жамғармалари йиғиндисидир.

- А) Давлат бошқарув ресурслари
- Б) Давлат молиявий ресурслари
- С) Давлат молиясини бошқариш
- Д) Иқтисодий-молиявий ресурслари

8. – молиявий сиёсатнинг узок муддатли йўналиши бўлиб, мамлакат ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг белгиланган стратегиясини кенг кўламдаги масалаларини олдиндан тузилган режа асосида ҳал этиш ва уларни ривожлантиришга мўлжалланган бўлади.

- А) Молиявий стратегия
- Б) Кредит сиёсати
- С) Молиявий Сиёсат
- Д) Молиявий тактика

9. Молия стратегияси вазифаларининг кўлами ва даврийлигига кўра қандай бўлиши мумкин?

- А) қушимча ва асосий
- Б) асосий, қушимча ва оператив
- С) қушимча ва оператив
- Д) асосий ва оператив

10. - стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатларни ташкил этиш усуллари орқали амалга оширади.

4-Топшириқ (Кластер)
(Керакли маълумотлар билан тулдириш)



ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ

5-Топширик

Тушунчанинг номи	Мазмуни ва таркиби
Молиявий сиёсатнинг мазмуни	
Миллий даромад	
Ташқи иқтисодий алоқалардан тушумлар	
Молия механизмининг мазмуни	
Молия механизмининг эементлари	
Молия механизмининг таркибий қисмлари	
Иқтисодий сиёсат	

6-Топширик

Бюджет механизми:



-



-



-

7-Топширик

**Молиявий механизмининг таркибий
қисмлари қўйидагилардан иборат:**

Таянч конспект

Молиявий ресурсларнинг манбалари қуйидагиладир:

1. Миллий даромад. Миллий даромаднинг соф даромад қисми молиявий ресурсларнинг асосий марбаси ҳисобланадти.

2. Ташқи иқтисодий алоқалардан тушумлар. Бу манбага айниқса мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият берилмоқда. бозор муносабатларига ўтишнинг 1- босқичидаёқ (1992-94 йиллар) Ўзбекистон БМТ, ХВФ, Жаҳон банки , Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европа иттифақи комиссияси каби нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан фаол иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда.

3. Миллий бойликнинг бир қисми- бюджет маблағларининг йилдан- йилга ўтувчи қолдиқлари.

- Суғурта ташкилотларининг резерф фондлари.
- Мамлакат олтин заҳирасини сотишдан тушган тушум;
- Ортиқча мулкларни сотишдан тушган тушум ва бошқа.

4. Қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар:

- Банк кредитлари;
- Кредиторик қарзлари;
- Акция ва облигациялар чиқаришдан тушум.

Молиявий механизмнинг ҳар бир соҳаси ва алоҳида бўғинлари ягона яхлитликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Улар ўзаро боғлиқ, шу билан бирга соҳа ва бўғинлар нисбатан мустақил ишлайди.

Бюджет механизми:

- солиқтурларининг кўплиги;
- уларни ундириш усулларининг турли-туманлиги;
- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг йўналишлари кўплиги билан характерланади.

Корхона молия механизми орқали эса:

- корхона пул жамғармалари шакллари белгиланади;
- фойда ва даромадлар тақсимланади;
- молиявий ресурслар тақсимланади;
- турли мақсадли фондлар тузилади ва улардан фойдаланиш таъминланади.

Молиявий механизмнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1. Молиявий режалаштириш вапрогнозлаш.
2. Молиявий дастаклар ва рағбатлантириш воситалари.
3. Молиявий бошқариш.

Молияни режалаштириш ва прогнозлаштириш — молиявий механизмнинг асосий қисми бўлиб, у молиявий режалар ва балансларни ҳамда

молиявий кўрсаткичлар, норма ва нормативлар тизимини ўз ичига олади. Айнан режалаштириш давомида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз молияси аҳволини ҳар томонлама баҳолайди, харажатлардан қандай самара олаётганини, қайси манбалардан даромад юқорилиги ҳақида маълумот олиш мумкин. Бир сўз билан айтганда режалаштириш хўжалик субъекти молиявий фаолиятини акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади. Молия кўрсаткичларининг ҳам прогноз, ҳам режали ҳисоб – китоблари турли хил усуллардан фойдаланишга асосланади: экстраполяция усули, норматив, математик моделлаштириш усуллари.

Молиявий дастаклар ва рағбатлантириш воситалари - уларга фойдани тақсимлаш усуллари, турли фондларга тўловлар, ажратмалар, қўлланиладиган имтиёзлар, санкциялар ва жарималар киради. Молиявий рағбатлантириш бошқариш билан узвий боғлиқ, боз устига бу ики жараён бир-бирига қатъи таъхир ўтказди. Қайта ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиш учун ҳар қандай молиявий рағбат корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан узвий боғланган бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самардорлигини оширишнинг молиявий рағбатлантириш таркибида:

- молия ресурсларини сармоялашнинг самарали йўналишлари;
- рағбатлантириш жамғармалари;
- ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг бюджет услублари;
- махсус молия имтиёзлари ва жарималарини ажратиш мумкин.

Молия стратегияси – молиявий сиёсатнинг узоқ муддатли йўналиши бўлиб, мамлакат ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг белгиланган стратегиясини кенг қўламдаги масалаларини олдиндан тузилган режа асосида ҳал этиш ва уларни ривожлантиришга мўлжалланган бўлади. Бу даврда молиявий кўрсаткичларни асосий тенденцияларини ошириш прогнозлаштирилади, улардан фойдаланиш концепцияси шакллантирилади, молиявий муносабатларни (солиқ сиёсати, кредит сиёсати ва бошқалар) чегараланиш тамойиллари аниқлаб олинади, мамлакатни ишлаб чиқилган ва қабул қилинган иқтисодий сиёсатида белгиланган тартибда иқтисодиёт тармоқларига зарурий молиявий маблағларни йўналтириш масалалари ҳал этилади.

Молиявий тактика - стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатларни ташкил этиш усуллари орқали амалга оширади. Молия тактикаси молиявий алоқаларни ташкил этиш, молия ресурсларини қайта гуруҳлаштириш усулларини ўз вақтида ўзгартириш йўли билан жамият ривожланишининг муайян босқичи вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган.

3-Модул. Молия тизими ва унинг бўғинлари

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:

1. Молия тизими ҳақида тушунча, унинг тузилиш тамойиллари ва функциялари.
2. Молия тизимининг соҳа ва бўғинлари, уларнинг узаро боғлиқлиги.
3. Давлат молияси ва маҳаллий молия ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг бўғинлари, уларнинг пул фондлари ва даромадларини шакллантириш хусусиятлари.
4. Суғурта, унинг иқтисодий моҳияти ва функциялари. Суғурта шакллари.
5. Суғурта тизими. Суғурта бозори. Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси

ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ

1-Топширик

Тушунчанинг номи	Мазмуни ва таркиби
Молия тизими ҳақида тушунча	
Молия тизими тузилиш тамойиллари	
Молия тизимининг соҳа ва бўғинлари	
Давлат молияси ва маҳаллий молия	
Хўжалик юритувчи субъектлар	

молиясининг бўғинлари	
Суғурта унинг иқтисодий моҳияти	
Суғурта функциялари	
Суғурта шакллари	
Суғурта тизими	
Суғурта бозори	
Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси	

2-Тоғширик ТЕСТ

1. – молиявий муносабатларнинг турли сохаларини уз ичига олиб, хар кайси сохалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади.

- А) Солиқ тизими
- Б) Молия- кредит тизими
- С) Кредит тизими
- Д) Молия тизими

2. Молия тизимининг асосий нечта функциялари мавжуд?

- А) 4та
- Б) 3та
- С) 5та

Д) 2та

3. Пул маблағларга эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятга таъсир этувчи омиллар талкин қилинади. Ушбу таъриф молия тизимининг қайси функцияларидан бири?

- А) Назорат
- Б) Режалаштириш
- С) Ташкиллаштириш
- Д) Рағбатлантириш

4. Мақсадларни шакллантириш ва уни амалга оширишнинг молиявий имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ тадбирлар. Ушбу таъриф молия тизимининг қайси функцияларидан бири?

- А) Назорат
- Б) Режалаштириш
- С) Ташкиллаштириш
- Д) Рағбатлантириш

5. Урнатилган мақсадларга эришишни солиштириш учун олигна натижаларни баҳолашва меёрларни ишлаб чикилади. Ушбу таъриф молия тизимининг қайси функцияларидан бири?

- А) Назорат
- Б) Режалаштириш
- С) Ташкиллаштириш
- Д) Рағбатлантириш

6. Бюджет курилиши, бюджет таснифланиши, тасдиқлаш, ижро этиш, ваколатли кредит органларини аниқлаш, маҳаллий ва республика органларининг бюджет ваколатлари ва ҳуқуқларини чегаралашни уз ичига олади. Ушбу таъриф молия тизимининг қайси функцияларидан бири?

- А) Назорат
- Б) Режалаштириш
- С) Ташкиллаштириш
- Д) Рағбатлантириш

7. Америкалик иқтисодчи олим Р.Масгрейв молия тизимини учта функциясини алоҳида асослаб берган, улар қайсилар?

- А) ресурсларни тақсимлаш , даромадларни қайта тақсимлаш, иқтисодиётни барқарорлиги
- Б) Режалаштириш, даромадларни қайта тақсимлаш, иқтисодиётни барқарорлиги
- С) Ташкиллаштириш, ресурсларни тақсимлаш, назорат
- Д) Рағбатлантириш, ресурсларни тақсимлаш, даромадларни қайта тақсимлаш

8. Дастлаб, молия тизими нечта соҳага бўлинган?

- А) 4та
- Б) 3та
- С) 5та
- Д) 2та

9. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси қуйидаги қайси бўғинлардан иборат?

- А) Давлат бюджети; мақсадли нобюджет фондлари; давлат кредити.
- Б) тижорат корхоналари ва ташкилотлари молияси; молиявий воситачилар молияси; нотижорат ташкилотлари молияси.
- С) давлат молияси ва маҳаллий молия; хўжалик юритувчи субъектлар молияси
- Д) Давлат ташкилотлари молияси; молиявий воситачилар молияси;

10. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети қуйидагиларни ўз ичига олади:

- А)Республика бюджети;Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар;Давлатнинг мақсадли фондларининг бюджетлари.
- Б) Давлат молияси ва маҳаллий молия; хўжалик юритувчи субъектлар молияси
- С)Маҳаллий бюджетлар;Давлатнинг мақсадли фондларининг бюджетлари.
- Д) Республика бюджети;Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар;

11. – даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумларни кўзда тутадиган, шунингдек харажат хажми ва йўналиши қайси мақсадларга ажратилиши ва муддатини кўрсатувчи давлатнинг марказлашган пул фондларидир.

- А) Давлат кредити.
- Б) Мақсадли нобюджет фондлар
- С) Давлат бюджети
- Д) маҳаллий молия

12. Суғуртанинг нечта функциялари мавжуд?

- А) 4та
- Б) 5та
- С) 3та
- Д) 2та

13. Қонун бўйича суғуртанинг нечта тармоғи мавжуд?

- А) 6та
- Б) 4та
- С) 3та
- Д) 5та

14. Мажбурий суғурта турларини Ўзбекистон Республикаси белгилайди.

- А) Олий Мажлис
- Б) Вазирлар Маҳкамаси
- С) Хисоб палатаси
- Д) Молия Вазирлиги

15. бу шундай тармоқки, унинг ҳимоя объектлари бўлиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қарши чиқмайдиган эгалик қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ манфаатлари киради.


- А) Мол-мулк суғуртаси
- Б) Жавобгарлик суғуртаси
- С) Шахсий суғурта тармоғи
- Д) Суғурта тармоғи

3-Топшириқ

Ушбу мавзудан келиб чиққан ҳолда қуйидаги чизмаларни тулдилинг.

Талаба мустақил равишда ўз фикрларини билдириб ўтмоғи лозим.

Уларни қуйидаги чизмада акс эттириши лозим:



Давлат молияси

2-чизма

1.Давлат бюджети	•
2.Бюджетдан ташқари	•

бошқа мақсадли пул фондлари	
3.Давлат кредити	•
4.Давлат корхоналари молияси	•

3-чизма

	Молия тизимининг функциялари изоҳланг!		
Режалаштириш	Ташкиллаштириш	Рағбатлантириш	Назорат

Режалаштириш	Ташкиллаштириш	Рағбатлантириш	Назорат


Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети қуйидагиларни ўз ичига олади:

4-чизма



5-чизма

Суғуртанинг ўзига хос функциялари



4-Модул. Молия бозори ва инструментлари

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:

1. Молия бозорининг тушунчалари, мазмуни, моҳияти, вазифалари ва функциялари.
2. Молия бозорининг тузилмаси, таркибий қисмлари ва қатнашчилари.
3. Молия бозори таснифи ва турлари тавсифи.
4. Молия бозорида амалга ошириладиган битишув ва операциялар мазмуни ва турлари.

Қуйидаги рақамлар билан берилган терминлар ва тушунчаларга ҳарфлар билан келтирилган таърифларини топинг.

1-Топшириқ

Ақлий хужум

Молия бозори деганда нимани тушунаси?

Молия бозорининг таркибий қисмлари нечта?

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида молия бозорининг моҳияти

Молия бозорининг тушунчалари, мазмуни ва моҳияти.

Молия бозорининг вазифалари ва функциялари

Молия бозорининг тузилмаси ва қатнашчилари

Молия бозори таснифи ва турлари

Молия бозорида амалга ошириладиган битишув ва операциялар мазмуни ва турлари

Молия бозорининг иқтисодий модели

Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозори нима?

2-Топшириқ

Мисол

Шўъба акционерлик жамиятининг баланси қуйидаги кўрсаткичларга эга:

минг сўм

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
Асосий воситалар	250	Низом маблағи	180
Ишлаб чиқариш заҳиралари	30	Фойда	100
Ғазна	5	Муассислар билан ҳисоб китоблар	20
Ҳисоб рақами	15		
Баланс	300	Баланс	300

Муассислардан бирига ("ABC" жамиятига) шўба корхонанинг 60% акциялари тегишли. "ABC" жамиятининг шўба корхонани ташкил қилишда қўшган маблағ миқдорини аниқланг.

Ечими.

АЖнинг низом маблағи ушбу АЖнинг тарқатилган акциялар қиймат миқдоридан иборат, шунда $(180 \text{ минг сўм} * 60\%) / 100\% = 108 \text{ минг сўм}$.

3-Топшириқ ТЕСТ

1. – бу монетизациялашган реал инвестицион базисга эквивалент молиявий инструментлар билан боғлиқ ташкиллашган иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланган муносабатларни мақсадли амалга оширувчи, иқтисодиёт субъектлари учун зарурий бозор шароитларини яратиб берувчи мажмуа сифатида намоён бўлувчи тизим.

- А) пул бозори
- Б) молия бозори
- С) кредит бозори
- Д) ҚҚБ бозори

2. Молия бозори таркибига қуйидагилардан қайсилари киради:

- А) молия бозори; кредит бозори; пул бозори;
- Б) пул бозори; валюта бозори; молия бозори;
- С) инвестиция бозори; кредит бозори;
- Д) валюта бозори; ссуда капитали; пул бозори;

3. – банк томонидан маълум муддатга бериладиган қарз пуллар борасидаги муносабатлар ифодалайди.

- А) Суғурта бозори
- Б) Ссуда капитали бозори
- С) Молия бозори
- Д) Инвестиция бозори

4. Молия бозорининг қўшимча вазифаларига қуйидагилардан қайси бири киради?

- А) Инвестиция бозорининг иқтисодий манфаатлари
- Б) Молия бозорни ривожлантириш ва қўшимча иш жойларини яратиш;
- С) Жаҳон молия тизимига интеграциялаштириш;
- Д) Жаҳон кредит тизими интеграциялашуви;

5. Молия бозорининг савдо тизимларини молиявий инструментлар тури бўйича қайсыларга ажратиш мумкин?

- А) қимматли қоғозлар савдоси тизимлари; кредитлар савдоси тизимлари;
- Б) Жаҳон молия тизимига интеграциялаштириш;
- С) Молия бозорни ривожлантириш ва қўшимча иш жойларини яратиш;
- Д) савдоси тизимлари; кредитлар тизимлари;

6. Пул воситалари савдоси қайси ташкilot томонидан амалга оширилади?

- А) банк
- Б) молия
- С) солиқ
- Д) ғазна

7. Валюталар савдоси тизими мисолида қайси халқаро электрон тизимини ва валюта алмаштириш шаҳобчалари мажмуасини келтириш мумкин?

- А) ASE
- Б) MODEL
- С) FOREX
- Д) FOR

8. - қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши соҳаси бўлиб, унда қимматли қоғозлар операциялари ушбу битимлар иштирокчилари учун қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси томонидан белгиланган тадбирлар ва шартлар билан тартибга солинади.

- А) Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозори
- Б) Қимматли қоғозларнинг уюшган бозори
- С) Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори
- Д) Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори

9. Евробозор – бу

- А) бу депозитлардаги валюта бўлиб, у эмитент-мамлакат ташқарисида фаолият юритаётган банкда жойлаштирилади.
- Б) халқаро молия бозорининг сегменти бўлиб, у эмитент-мамлакат ташқарисида фаолият юритаётган банкда жойлаштирилади.
- С) Савдо операциялари савдо тизимлари ёрдамида амалга оширилади.
- Д) халқаро молия бозорининг сегменти бўлиб, ундаги операциялар еврвалюталарда амалга оширилади.

10. Евровалюта – бу


- А) депозитлардаги валюта бўлиб, у эмитент-мамлакат ташқарисида фаолият юритаётган банкда жойлаштирилади.
- Б) халқаро молия бозорининг сегменти бўлиб, у эмитент-мамлакат ташқарисида фаолият юритаётган банкда жойлаштирилади.
- С) Савдо операциялари савдо тизимлари ёрдамида амалга оширилади.
- Д) халқаро молия бозорининг сегменти бўлиб, ундаги операциялар еврвалюталарда амалга оширилади.

Ушбу машқ бўйича талаба амалий кўникмага таянган ҳолда мустақил фикрлаши ва ҳулоса бера олиши лозим:



4-Топшириқ

5-Топшириқ



5-Модул. Молиявий бошқарув

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:

- 1.Молиявий бошқарувнинг мазмун-моҳияти, объектлари ва бошқарувчи субъектлари;
- 2.Молиявий бошқарувнинг мақсади, асосий методологик принциплари, конкрет методлари ва шакллари;
- 3.Молиявий бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари;

ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ

1-Топшириқ

Тушунчанинг номи	Хусусиятлари
Молиявий бошқарув	
Молиявий бошқарувнинг объектлари	
Молиявий бошқарувнинг бошқарувчи субъектлари	
Молиявий бошқарувнинг мақсади	
Молиявий бошқарувнинг асосий методологик принциплари	
Молиявий бошқарув органлари	
Молиявий бошқарувнинг конкрет методлари ва шакллари	

2-Топширик

Қуйидаги саволга чизма орқали жавоб беринг

Молиявий бошқарув тизими мавжуд бўлар экан, асосий методологик принциплари кўрсатиб ўтинг.



3-Топширик

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. «Бошқарув» атамаси, энг аввало, қандай маънони англатади?
2. Молияни бошқариш деганда нимани тушцнаси?
3. Молиявий бошқарув тизими қандай таркибий қисмларга бўлинади?
4. Молиявий бошқарувнинг аниқ методлари ва шакллари ҳақида гапириб беринг?
5. Молияни бошқаришда бир нечта умумий хусусиятга эга бўлган функционал элементлар мавжуд, улар қайсилар?
6. Умумдават миқёсида молиявий бошқарув тизими қандай турдаги бошқарув органларидан ташкил топиши мумкин?
7. Давлат молиявий назорат органи сифатида Ҳисоб палатаси молиявий бошқарувга оид қандай вазифаларни бажаради?
8. Молия вазирлигининг асосий вазифалари нималардан иборат?
9. Ҳозирги пайтда Молия вазирлигининг марказий аппаратида қандай бош бошқармалар ва бошқармалар бўлиши мумкин?
10. Молиявий бошқарувга бевосита дахлдор бўлган Ғазначилик тизимининг асосий вазифалари таркибига нималар киради?

4-Топширик

ТЕСТ

61.«Бошқарув» атамаси умумий тарзда объектни қандай мақсадларда унга онгли равишда таъсир кўрсатишни англатади.

- А)умимийлаштириш ва такомиллаштириш
- Б)ривожлантириш ва такомиллаштириш
- С)ахборотлаштириш ва такомиллаштириш
- Д)умимийлаштириш ва ахборотлаштириш

62. - бу молия субъектларининг маълум усул ва услубларни қўллаган ҳолда, маълум мақсадга эришиш учун молия объектларга таъсири.

- А)сиёсатни бошқарув
- Б) давлатни бошқариш
- С)молияни бошқариш
- Д) солиқни бошқариш

63. Молияни умумий ёки стратегик бошқарув субъектларига қайсилар киради?

- А)Президент девони, Олий мажлис, Давлат Солиқ қумитаси
- Б)Олий мажлис, Вазирлар маҳкамасива Молия вазирлиги
- С), Вазирлар маҳкамаси ва Молия вазирлиги, Президент девони
- Д)Олий мажлис, Вазирлар маҳкамаси ва Президент девони

64. Молия оператив бошқарув субъектларига қайсилар киради?

- А)Молия вазирлиги, Давлат Солиқ Қўмитаси, суғурта ташкилотлари,
- Б)Олий мажлис, Вазирлар маҳкамаси ва Президент девони
- С)Президент девони, Олий мажлис, Солиқ қумитаси
- Д)Олий мажлис, Вазирлар маҳкамасива Молия вазирлиги

65. Молиявий бошқарувнинг аниқ методлари ва шаклларида бирини курсатинг?

- А) молиявий такомиллаштириш;
- Б) молиявий режалаштириш;
- С) молиявий ривожлантириш;
- Д) молиявий ахборотлаштириш;

66. молияни бошқаришда бир нечта умумий хусусиятга эга бўлган функционал элементлар мавжуд, улар қайсилар?

- А) Оператив бошқариш;Назорат; Режалаштириш;Ташкил этиш;такомиллаштириш; Информация;
- Б)Тартибга солиш; Оператив бошқариш;Назорат; Режалаштириш;Ташкил этиш; Информация;
- С)Тартибга солиш; Назорат; Режалаштириш;Ташкил этиш;ахборотлаштириш; Информация;
- Д)Тартибга солиш; Оператив бошқариш;Назорат; Режалаштириш;Ташкил этиш; Информация;

67. – режалаштирилган топширикни бажариш учун молиявий ресурслардан моҳирона фойдаланишдир.

- А)Оператив тартибга солиш
- Б)Информацион тартибга солиш
- С)Молиявий тартибга солиш
- Д)Режалаштирилган тартибга солиш

68. Оператив бошқариш бу-

А)минимал харажат қилиб максимал самарагаэришиш ва молиявий ресурсларни юқори самара олиш учун қайта тақсимлашга қаратилган комплекс ишлар йиғиндисидир.

Б)режалаштирилган топширикни бажариш учун молиявий ресурслардан моҳирона фойдаланишдир.

С)максимал харажат қилиб максимал самарагаэришиш ва молиявий ресурсларни юқори самара олиш учун қайта тақсимлашга қаратилган комплекс ишлар йиғиндисидир.

Д)минимал харажат қилиб максимал самарагаэришиш ва информаион тартибларни юқори самара олиш учун қайта тақсимлашга қаратилган комплекс ишлар йиғиндисидир.

69. Молиявий бошқарувнинг умумий бошқарув органи сифатида Давлат бюджетини кўриб чиқади, молиявий бошқарувнинг ягона умумий маркази сифатида майдонда гавдаланади.

А)Давлат Солиқ қумитаси

Б)Олий мажлис

С)Президент девони

Д) Вазирлар Маҳкамаси

70. молиявий бошқарувга оид носолиқли характерга эга бўлган даромадларни (ижара ҳақи, давлат мулкани сотишдан келадиган даромадлар ва бошқаларни) олиш мақсадида давлат мулкани бошқаришни ташкил қилади.

А)Давлат Солиқ қумитаси

Б)Давлат Рақобат қўмитаси


С) Олий мажлис

Д) Вазирлар

5-Топширик

Moliya tizimini umumiy boshqarish mamlakatning oliy hokimiyat va boshqaruv organlari tomonidan amalga oshiriladi. Umumdavlat miqyosida moliyaviy boshqaruv tizimi quyidagi boshqaruv organlaridan tashkil topishi mumkin:

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.
- 8.
- 9.
- 10.



6-Модул.Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш

6.1. Молиявий режалаштириш хақида тушунча.

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:

1. Молиявий режалаштиришнинг иқтисодий мазмуни
2. Молиявий башоратлаш
- 3.Молиявий режалаштириш методлари

1-Топширик

ФСМУ технологияси

Саволлар	1.Молиявий режалаштиришнинг иқтисодий мазмуни 2. Молиявий башоратлаш 3.Молиявий режалаштириш методлари
Ф– фикрингизни баён этинг	
С- фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
М – кўрсатилган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
У– фикрингизни умумлаштиринг	

2-Топширик

ТЕСТ

1. Молия кўрсаткичларининг ҳам прогноз, ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил услублардан фойдаланишга асосланади ва уларнинг энг муҳимлари қўйидагилар қайси бири?

- А) норматив услуб
- Б) актив моделлаштириш услуби
- С) пассив моделлаштириш услуби
- Д) ахборотлашган моделлаштириш услуби

2. Молияни режалаштиришни тузиш жараёни асосан нечтабосқичда олиб борилади?

- А) 2 босқичда
- Б) 4 босқичда
- С) 5 босқичда
- Д) 3 босқичда

3. Молия кўрсаткичларининг ҳам прогноз, ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил услублардан фойдаланишга асосланади ва уларнинг энг муҳимлари қўйидагилар қайси бири?

- А) норматив-пассив услуб
- Б) ахборотлашган моделлаштириш услуби
- С) пассив моделлаштириш услуби
- Д) Баланс услуби

4.- объекти бўлиб хўжалик субъектлари ва давлатнинг молиявий фаолияти ҳисобланади.

- А) Молиявий методлари
- Б) Режалаштириш
- С) Молиявий режалаштиришнинг
- Д) режалаштириш методлари

5. Молиявий режалаштиришнинг аниқ вазифаларини қандай сиёсат аниқлаб беради?

- А) молия сиёсати
- Б) солиқ сиёсати
- С) кредит сиёсати
- Д) пул сиёсати

6. Молия кўрсаткичларининг ҳам прогноз, ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил услублардан фойдаланишга асосланади ва уларнинг энг муҳимлари қўйидагилар қайси бири?

- А) актив моделлаштириш услуби
- Б) математик моделлаштириш услуби
- С) пассив моделлаштириш услуби
- Д) ахборотлашган моделлаштириш услуби

7. Молия кўрсаткичларининг ҳам прогноз, ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил услублардан фойдаланишга асосланади ва уларнинг энг муҳимлари қўйидагилар қайси бири?

- А) норматив-пассив услуб
- Б) ахборотлашган моделлаштириш услуби
- С) пассив моделлаштириш услуби

Д) Экстрополяция услуги

8. Назария ва амалиётда молиявий башоратлаш нечтага ажратилади?

А) 2

Б) 4

С) 5

Д) 3

9. - молия ресурсларидан фойдаланиш йўналишларини, уларнинг шаклланиш манбалари билан уйғунлаштириш, молия режалари барча бўлимларининг ўзаро боғланиши учун фойдаланилади.

А) норматив-пассив услуб

Б) ахборотлашган моделлаштириш услуги

С) пассив моделлаштириш услуги

Д) Баланс услуги

10. “Молиявий режалаштириш” тушунчаси қуйидагилардан бирини ўз ичига олади?

А) инвестицион менежмент;

Б) молиявий менежмент;

С) бошқарув менежмент;

Д) информацион менежмент;

3-Топширик

Ҳосил қилинган иқтисодий терминнинг ҳар бир ҳарфининг тагидан янги Молиявий режалаштиришга оид терминларни тузиб чиқинг.

<u>М</u>	<u>О</u>	<u>Л</u>	<u>И</u>	<u>Я</u>
Т	Қ	С	Н	И
Н	И	А	И	М
М	С	Н	Ф	О
Е	Л	Б	Ц	В
Ж		А	Р	Л
Е			А	И
Н			М	Й
Е			О	
			Н	
			О	

4-Топширик

Молиявий режалрни тузиш жараёни 3 босқичда олиб борилади



5-Топширик

Молиявий башоратлаш муддатига кўра:

1.

2.

6.2-Мавзу. Молиявий режалаштириш ва молиявий режа

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:

1. Молиявий режалаштириш ва молиявий режа.
2. Молиявий режалаштиришнинг асосий вазифалари ва босқичлари.
3. Молиявий режалаштириш турлари ва ўзига хос хусусиятлари.
4. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида молиявий режалаштиришни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари
5. Оператив молиявий режалаштириш

1-Топшириқ

Ҳамкорликда ўқиш технологияси

Ҳамкорликда ўқиш – бу талабаларнинг матнни ўзаро биргаликда ўрганиб, ўзаро фикр алмашиб маълумот олиш жараёнидир.

Ҳамкорликда ўқишни ташкил этишнинг тамойиллари


Хар бир гуруҳга биттадан топшириқ берилади.

Битта рағбат: ҳамкорликдаги фаолият жараёнида тўпланган баҳодан ва академик натижалардан келиб чиқиб, гуруҳ ҳамма учун битта баҳо олади (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади), яъни гуруҳ муваффақияти хар бир иштирокчининг хиссасига боғлиқ.

Хар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулиятлилиги.

Ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий мунозара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро фаолият усуллари асосида ташкил топади.

Муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: хар бир талаба ўз шахсий ютуғини такомиллаштиришга, шахсий имкониятлари, қобилияларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга интилиши зарур, чунки у бошқалар билан баробар баҳоланади.



Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Эксперт варағи 1

- 1.Молиявий режалаштириш ва молиявий режа
- 2.Молиявий режалаштиришнинг асосий вазифалари
- 3.Молиявий режалаштиришнинг босқичлари

Эксперт варағи 2

- 1.Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида молиявий режалаштиришни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари
- 2.Молиявий режалаштириш турлари
- 3.Молиявий режалаштириш ўзига хос хусусиятлари

Эксперт варағи 3

- 1.Оператив молиявий режалаштириш
- 2.Стратегик молиявий режалаштириш
- 3.Жорий молиявий режалаштириш

Молиявий режалаштириш боскичлари



- Корхона молиявий ҳолатини тахлили;
- Прогноз схемалари ва бюджетларни тузиш;
- Молиявий ресурсларга булган умумий талабини аниклаш;
- Молиялаштириш манбалари тузилмасини прогнозлаш;
- Бошқариш ва назорат тизимини яратиш ва куллаш;
- 6. Режаларга узгартиришлар киритиш тадбирларини ишлаб чиқиш.

2-Топширик ТЕСТ

1. Бу молиявий режалар (ҳужжатлар) ва молия тизимининг бошқа бўлинмалари фаол иштирокида томонидан ишлаб чиқилади.

- А) Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
- Б) Молия вазирлиги, Вазирлар маҳкамали
- С) Иқтисодиёт вазирлиги, Олий мажлис
- Д) Молия вазирлиги, Ҳисоб ралатаси

2. Балансда акс эттириладиган аҳолининг пул даромадлари ўзининг манбасига кўра нечта гуруҳга бўлинади?

- А) 2
- Б) 4
- С) 5
- Д) 3

3. Балансда акс эттириладиган аҳолининг пул харажатлари ташкил этилган гуруҳ, уз ичига қайси бирини олади?

- А) алмашув харажатлари;
- Б) тақсимлаш харажатлари;
- С) истеъмол харажатлари;
- Д) ишлаб чиқариш харажатлари;

4. Балансда акс эттириладиган аҳолининг пул харажатлари ташкил этилган гуруҳ, уз ичига қайси бирини олади?

- А) алмашув харажатлари;
- Б) пул тўпланмалари ва жамғармалар
- С) истеъмол харажатлари;
- Д) ишлаб чиқариш харажатлари;


5. Молиявий режалаштиришнинг икки тури бўлиши мумкин, улар қайсилар?

- А) стратегик молиявий режалаштириш; жорий молиявий режалаштириш.
- Б) тактик молиявий режалаштириш; молиявий режалаштириш.
- С) молиявий режалаштириш; жорий молиявий режалаштириш.
- Д) тактик молиявий режалаштириш; капитал молиявий режалаштириш.

ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ

3-Топширик

Тушунчанинг номи	Хусусиятлари
Молиявий режалаштириш	
Молиявий молиявий режа	
Молиявий режалаштиришнинг асосий вазифалари	
Молиявий режалаштиришнинг босқичлари	
Молиявий режалаштириш турлари	
Оператив молиявий режалаштириш	
Бюджетларнинг асосий белгилари буйича гурухланиши	
Молиявий бошқарувнинг конкрет методлари ва шакллари	
Молиявий режалаштиришнинг асосий вазифалари	



Ҳар қандай молия режасида маълум бир даврга мўлжалланган ҳамда молия ва кредит тизими билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар аниқланади.

Молияни режалаштиришни тузиш жараёни асосан 3 босқичда олиб борилади:

1. Ўтган базис йилида эришилган ҳамма иқтисодий кўрсаткичлар бўйича чуқур иқтисодий таҳлил қилинади.

2. Биринчи босқичдаги маълумотларга асосланган ҳолда даромад ва харажатларнинг конкрет турлари бўйича молиявий ҳисоб- китоблар қилинади.

3. Даромадлар ва харажатлар тенглаштирилади, иқтисодий таҳлил жараёнида даромадлар ва харажатларнинг ўсиш ёки камайиш тенденцияси аниқланади.

7-Модул. Молиявий назорат.

7.1-Мавзу. Молиявий назоратнинг мазмуни ва принциплари

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:


1. Молиявий назоратнинг моҳияти ва аҳамияти
2. Молиявий назорат: мазмуни, соҳалари, объекти, предмети, тизими.
2. Молиявий назоратнинг принциплари, объектлари ва субъектлари

1-Топшириқ

Молиявий назоратнинг асосий турлари

Молиявий назоратнинг асосий турлари	
Классификацияланиши	>>>
Нazorat субъекти	>>>
Нazorat объекти	>>>

2-Топширик. Кластер технологияси



3-Топширик

Молиявий назоратнинг афзалликлари ва камчиликларини қуйида жадвалда ифодаланг ва ифодаланган жадвални асослаб беринг.

<i>№</i>	<i>Афзалликлари</i>	<i>Камчиликлари</i>
<i>1</i>		
<i>2</i>		
<i>3</i>		
<i>4</i>		

4-Топширик

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат, ўзаро таъсирчан ҳамда мустақил бўлган икки соҳага бўлинади:



Таянч конспект

Назорат – бу бирор ишнинг, нарсанинг аҳволи , кишининг юриш –туриши ва шу каби устидан доимо кузатиш, текширишдир. Назорат-давлат бошқарув органларининг айрим бошқарув соҳаларида давлат томонидан белгиланган қоидаларга хўжалик субъектлари, мансабдор шахслар риоя этишни контрол қилишдан иборат фаолиятдир.

Молиявий назорат – бу молиявий текшириш ва у билан боғлиқ бўлган масалалар ҳаракатини ва муомаласини мажмуи булиб, хўжалик субъектлари фаолиятини ва бошқаришни ўзига хос усуллари ва шакллари ёрдамида ташкил этиш.

- **Молиявий назоратнинг предмети қуйидаги молиявий кўрсаткичлардан иборат:**
- турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари;
- солиқ тўловларининг ҳажмлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг муомала харажатлари;
- таннарх ва фойда;
- уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари;
- ва бошқалар.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат, ўзаро таъсирчан ҳамда мустақил бўлган икки соҳага бўлинади:

давлат молиявий назорати;

давлатдан ташқари молиявий назорат.

Давлат молиявий назорати — давлатнинг асосий қонунларига таянадиган ва ҳокимият ҳамда аниқ бошқарув органлари иқтисодий- ҳуқуқий ҳаракатининг маълум

мақсадга йўналтирилган тизимидир. Молиявий назоратни ташкил этишда мамлакат Конституцияси ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Унинг ҳуқуқий регламенти давлатнинг типи, ижтимоий-сиёсий ўйналиши, иқтисодий тарққиёт даражаси, мулкчилик шакллари нисбатига боғлиқ.

Молиявий назорат жараёни қўйидаги асосий босқичларда амалга оширилади:

- **Режалаштириш** – назорат объектини, мақсади, вазифаси ва назорат шаклини аниқлашни ва сон ва сифат жиҳатдан кўрсаткичларни тупламини шакллантиради;

- **Назоратни амалга ошириш** –назорат объектини ҳолатини ифодаловчи оператив маълумотларни йиғиш ва уларни дастлабки баҳолаш мақсади амалга оширади;


- **Назорат натижаларини тизимлаштириш** (аниқ ҳолат буйича олинган маълумотларни тартибга келтириш ва умумлаштириш) ва ҳисобот тузиш;

1. Жаҳонҳамжамиятикўпийилликтажрибаасосидамолиявийназоратниташкил этишгадоирасосийпринципларинишлабчиққанки, ҳозирги даврдаунёнингҳарбир цивилизациялашгандавлатиуларгариоя қилишгаинтилади. Бу принциплар ИНТОСАИнинг Лима декларациясида ўз аксини топган. Уларинг таркибига қуйидагилар киради:

- мустақиллик;
- объективлик;
- компетентлик (лаёқатлилик, қодирлик);
- ошкоралик.


5-Топширик

Жаҳон ҳамжамияти кўп йиллик тажриба асосида молиявий назоратни ташкил этишга доир асосий принципларини кўрсатинг



6-Топширик

Ўтказилиш вақти бўйича молиявий назоратнинг шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:



7.2-Мавзу. Молиявий назоратнинг асосий вазифалари.

Ушбу мавзу бўйича талаба қуйидагилар доирасида назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Режа:

- 1.Молиявий назоратнинг олдида турган энг асосий вазифалар ва функциялари.
- 2.Молиявий назоратнинг турлари.

ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ

1-Топшириқ

Тушунчанинг номи	Хусусиятлари
Молиявий назоратнинг олдида турган энг асосий вазифалар	
Молиявий назоратнинг функциялари	

Молиявий назоратнинг турлари	
Молиявий назоратнинг шакллари мезонлар бўйича классификацияси	
Амалга оширилиш регламенти бўйича молиявий назоратнинг шакллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин	
Ўтказилиш вақти бўйича молиявий назоратнинг шакллари	

Таянч конспект

1. Назоратнинг субъеклари бўйича молиявий назоратнинг қуйидаги шакллари бўлиши мумкин:

- Президент молиявий назорати;
- ҳокимият қонунчилик органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг молиявий назорати;
- ижроия ҳокимият органлари молиявий назорати;
- молия-кредит органларининг молиявий назорати;
- фирмавий-ички молиявий назорат;
- аудиторлик молиявий назорати;
- ва бошқалар.

1. Назоратнинг объектларига мувофиқ равишда молиявий назоратнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- бюджет молиявий назорати;
- нобюджет фондлар устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- солиқлар бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- валюта операциялари устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- кредит операциялари бўйича молиявий назорат;
- суғурта фаолияти бўйича молиявий назорат;
- инвестицион фаолият бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- пул массаси устида амалга ошириладиган молиявий назорат;

- ва бошқалар.

•

1. Молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида унинг қуйидаги методларидан фойдаланилади:

- текширув;
- тадқиқ этиш;
- надзор (назорат);
- молиявий ҳолат таҳлили;
- кузатиш (мониторинг);
- тафтиш.

•


1. Субъект хўжалик фаолиятини қамраб олишнинг тўлиқлигига қараб тафтишнинг қуйидаги турлари бўлиш мумкин:

- тўлиқ;
- қисман;
- мавзули;
- комплексли.

1. Молиявий ва хўжалик операцияларининг қамралиб олиниши даражасига кўра тафтишлар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

- ёппасига тафтиш;
- танланма тафтиш;
- комбинациялаштирилган тафтиш.

2-Топшириқ



3-Топширик ТЕСТ

1. Молиявий ресурсларга бўлган талаб эҳтиёж ва ҳалқ хўжалиги пул даромадлари ва жамғармаларининг миқдорлари ўртасидаги балансланганликка қўмаклашиш – ушбу келтирилган жумла қуйидаги келтирилган жавобларнинг қайси бирининг таркибига киради?

- А) Молиявий назоратнинг турлари
- Б) Молиявий назоратнинг асосий функциялари
- С) Молиявий назорат предмети
- Д) Молиявий назоратнинг вазифалари

2. корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шунингдек, давлат ва молия-банк тузилмаларининг молиявий интизомининг бажарилиши учун маъсулият узвий боғлиқдир.

- А) Хўжалик назорати;
- Б) Бюджет назорати;
- С) Молиявий назорат
- Д) Мустақил аудит назорати

3. Юридик ва жисмоний шахсларни давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари олдидаги молиявий мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш- ушбу келтирилган жумла қуйидаги келтирилган жавобларнинг қайси бирининг таркибига киради?

2																			
3																			
4																			
5																			
6																			
7																			
8																			
9																			
10																			

Кроссворд 1

Бўйига:

1. Қимматли қоғозлар турларидан бири.
2. Молиявий назорат босқичларидан бири - назорат.
3. йўқ жойда молия ҳам бўлмайди.
5. Молия мавжуд бўлиши белгиларидан бири.
6. Бюджетлараро муносабатлар шаклларида бири.
8. иккита корхона узаро иқтисодий муносабатга киришаётганда бир-бирига ишончсиз ҳолда фаолия курсатса, ҳисоб-китобнинг шаклидан фойдаланилади.
9. Маълум даврдаги бюджетнинг харажатлари унинг даромадларидан режага нисбатан ошиб кетиши.
13. Молия тамойили.
16. Субъектнинг хўжалик фаолияти натижасида, одатда, ижара ҳақи, фоизлар, лицензия тўловлари ва дивидентлар шаклида даромад келтирадиган фаолият, яъни товарларнинг сотилиши, хизматларнинг кўрсатилиши ёки бошқа шахсларнинг хўжалик субъектининг ресурсларидан фойдаланиши натижасида активларнинг келиб тушиши.

Энига:

4. Молиявий назорат турларидан бири - назорат.
7. Корхонанинг ўз молиявий ресурсларидан бири.
10. Мамлакатнинг энг катта марказлаштирилган пул жамғармаси.
11. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб турларидан бири.
12. Молиявий — бу молия субъектларининг маълум усул ва услубларни қўллаган ҳолда, маълум мақсадга эришиш учун молия объектларга таъсири.
14. Ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характериға, мураккаблигига ва даврнинг узоқчилигига қараб молиявий сиёсат молиявий ва молиявий тактикаға бўлинади.
15. Божи — божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда бир тизимға солинган товарларға нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг тўпламидир.
17. Асосий фаолият ва барча бошқа операциялар, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши.
18. Бож турларидан бири.
19. Кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхона.

Кроссворд А

1. Пул маблағларга эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятга таъсир этувчи омиллар талкин қилинади. Ушбу таъриф молия тизимининг қайси функцияларидан бири?
2. Молиянинг ривожланишини нечта асосий босқичга бўлиш мумкин?
3. Такрор ишлаб чиқариш жараёни ўз ичига қандай босқичларни олади?
4. Ташқи қарзлар орқали бюджетни молиялаштиришнинг ижобий томонлари доимо назарда тутилади.
5. Молиянинг қайси функцияси асосини молиявий ресурсларнинг ҳаракати ташкил этади?
6. Молия кўрсаткичларининг ҳам прогноз, ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил услублардан фойдаланишга асосланади ва уларнинг энг муҳим қайси моделлаштириш услуби ҳисобланади?
7. – бу давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантириш жараёнида юзага келадиган, давлат томонидан ташкил қилинадиган пул муносабатлари йиғиндисидир.
8. Ташқи қарзлар орқали молиялаштириш мамлакат учун зарур маблағларни ташқи манбалардан жалб қилишни назарда тутди ва бу нимани етишмовчилиги олдини олади.
9. Дастлаб, молия тизими нечта соҳага бўлинган?
10. Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишга ҳамда давлат қарзи кўпайишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар қайси органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Кроссворд Б

- 1.Пул даромадлари ва фондларининг энг асосий моддий манбаи бўлиб мамлакатнинг ҳисобланади.
- 2.Суғуртанинг функцияларидан бири?
- 3.Молиявий назоратнинг объекти нима бўлиб ҳисобланади?
4. – бу давлатнинг ўз функцияларини ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ҳамма йўналишлар, чора ва тадбирлар йиғиндисидир.
5. Корхоналар мулкчилик шаклига кўра қандай турларга бўлинади? Улардан бирини курсатинг.
- 6..... – хўжалик юритишнинг тамойиллари ва шакллари, иқтисодиётни ривожлантириш вазифаларини ечишдаги усуллар, чора-тадбирлар ва фаолиятлар йиғиндисидир. Бу қандай сиёсат?
- 7.....— давлат фаолиятини нисбатан мустақил соҳаси бўлиб, жамият фаолиятини ихтиёрий жабҳаларида давлат сиёсатини амалга оширишда зарурий молиявий маблағларни манбаи ҳисобланади. Бу қандай сиёсат?
- 8.Франция, Италияда давлат молиявий назоратининг бевосита субъектларини курсатинг?
- 9.Молия стратегияси вазифаларининг қўлами ва даврийлигига кўра қандай бўлиши мумкин
10. Молия кўрсаткичларининг ҳам прогноз, ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил услублардан фойдаланишга асосланади ва уларнинг энг муҳимларидан бири қайси услуб ?

Кроссворд С

1. Мақсадларни шакллантириш ва уни амалга оширишнинг молиявий имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ тадбирлар. Ушбу таъриф молия тизимининг қайси функцияларидан бири?
2.- монополь товар ва хизматлар баҳоси ва тарифининг коррективка қилиниши (ўзгартирилиши) орқали ифодаланади. Бу қандай сиёсат?
3. Бюджет қилиниши, бюджет таснифланиши, тасдиқлаш, ижро этиш, ваколатли кредит органларини аниқлаш, маҳаллий ва республика органларининг бюджет ваколатлари ва ҳуқуқларини чегаралашни ўз ичига олади. Ушбу таъриф молия тизимининг қайси функцияларидан бири?
4. Ўзбекистоннинг бюджет тузилиши модели марказлаштирилган бўлиб, бюджет тизими нечта даражага эга?
5. бозор иқтисодиёти шароитида, иқтисодни, бутун халқ хўжалигини ривожланишига давлат орқали таъсир этадиган муҳим иқтисодий дастакдир. Бу қандай сиёсат?
6. Ўрнатилган мақсадларга эришишни солиштириш учун олигна натижаларни баҳолаш ва меёрларни ишлаб чиқилади. Ушбу таъриф молия тизимининг қайси функцияларидан бири?
7. Молия тизимининг асосий нечта функциялари мавжуд?
8. – даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумларни кўзда тутадиган, шунингдек харажат ҳажми ва йўналиши қайси мақсадларга ажратилиши ва муддатини кўрсатувчи давлатнинг марказлашган пул фондларидир.
9. Молия бозори таркибига қандай бозорлардан бирини киритишимиз мумкин?
10. Пул воситалари савдоси қайси ташкилот томонидан амалга оширилади?

Кроссворд Д

- 1..... бу- Халқаро молия бозорининг сегменти бўлиб, ундаги операциялар евравалюталарда амалга оширилади.
2.бу- депозитлардаги валюта бўлиб, у эмитент-мамлакат ташқарисида фаолият юритаётган банкда жойлаштирилади.
- 3.Эгри солиқлар, яъни давлат бюджети даромадлари таркибида солиғи асосий манбалардан биридир.
4. Молия кўрсаткичларининг ҳам прогноз, ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил услублардан фойдаланишга асосланади ва уларнинг энг муҳимларидан бири қайси услуб?
5. Молиявий режалаштиришнинг аниқ вазифаларини қандай сиёсат аниқлаб беради?
6.услуги - молия ресурсларидан фойдаланиш йўналишларини, уларнинг шаклланиш манбалари билан уйғунлаштириш, молия режалари барча бўлимларининг ўзаро боғланиши учун фойдаланилади.
7. “Молиявий режалаштириш” тушунчаси қандай менежментни ўз ичига олади?
8. Балансда акс эттириляётган аҳолининг пул харажатлари ташкил этилган гуруҳ, уз ичига қандай харажатни олади?
9. Молиявий назоратнинг предмети молиявий кўрсаткичлардан иборат булиб, улардан бирини курсатинг?
10. Давлат бюджети— давлат бюджети даромадлари билан харажатларининг таркибий қисмидан иборат бўлган ҳисобланади.

Кроссворд Г

1. Молия кўрсаткичларининг ҳам прогноз, ҳам режали ҳисоб-китоблари турли хил услублардан фойдаланишга асосланади ва уларнинг энг муҳимларидан яна бирини курсатинг?
2. - стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатларни ташкил этиш усуллари орқали амалга оширади.
3. Молиявий назорат жараёнининг асосий босқичларидан бирини курсатинг?
4. Давлат молиясининг бўғинларидан бирини курсатинг?
5. Такрор ишлаб чиқариш жараёни ўз ичига қандай босқичларни олади?
6. Давлат пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармаси бу-
7.— бу пулнинг ҳаракати натижасида юзага келадиган пул оқимлари ва корхонада пул фондларини ташкил этиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардир.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармаларидан бирини курсатинг?
9. Давлат бюджети давлат молиясининг бўғини бўлиши билан изоҳланади.
10. бу- турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини булиб ҳисобланади.

ТЕСТ 1

1. Ҳар қандай фаолият турини амалга оширилиши учун қандай манба зарур бўлади?

- А) пул маблағлари
- Б) солиқ имтиёзлари
- С) божхона божи
- Д) таййор маҳсулот

2. Корхоналар фаолиятини молиялаштириш – бу?

- А) корхонанинг фаолиятини амалда бўлган даври давомида уни молиявий ресурслар билан таъминлашдир
- Б) корхонанинг маблағини ўтган даври давомида уни молиявий воситалари мажмуи
- С) инвестиция фаолиятини келажакда ресурслар билан бойитиб бориш
- Д) корхонанинг фаолиятини амалда бўлган даври давомида уни молиявий ресурслар билан таъминлашдир

3. Корхоналар фаолиятини молиялаштиришнинг бошқа унчалик муҳим бўлмаган вазифаси нима?

- А) молиялаштириш манбаларини оптималлаштириш
- Б) фаолиятдаги фондлар учун амортизация ажратмаси
- С) корхона ўз - ўзини тикланиши
- Д) молиявий ресурсларни ташкил этиш

4. Корхона молиясини ташкил этишда қандай тамойиллари мавжуд?

- А) молиявий ва ҳўжалик фаолияти соҳасида мустақиллик
- Б) ўзини маҳсулотини таннархини ошириш;
- С) маҳсулот натижасидан қониқмаслик
- Д) молиявий воситачиларни ташкил этиш

5. Молиявий ресурслар – бу ?

- А) корхона ихтиёридаги пул маблағлари бўлиб, улар жорий харажатлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хизмат қилади, молиявий мажбуриятларни бажариш ва ишчиларнинг иқтисодий аҳволи барқарорлигини таъминлаш учун ишлатилади...
- Б) молиявий ресурсларни турли фаолият асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун узоқ муддатли капитал киритиш шаклида бевосита корхонани қўшимча фойда олиш ёки корхона, компания ишига таъсир кўрсатиш ниятида қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишда ишлатилади
- С) бу тавккалчилик капитал киритишни белгилаш учун ишлатилади, у ўзини янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида кўрсатади
- Д) бу ишлаб чиқаришни қандай ташкил этиш борасида қарор қабул қилишда асосий тушунча бўлиб ҳисобланади

6. Инвестиция – бу ?

- А) молиявий ресурсларни турли фаолият асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун узоқ муддатли капитал киритиш шаклида бевосита корхонани қўшимча фойда олиш ёки корхона, компания ишига таъсир

кўрсатиш ниятида қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишда ишлатилади....

Б) тавккалчилик капитал киритишни белгилаш учун ишлатилади, у ўзини янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида кўрсатади

С) ишлаб чиқаришни қандай ташкил этиш борасида қарор қабул қилишда асосий тушунча бўлиб ҳисобланади

Д) Бошқарув ҳисоботи фақат қизиқишни қондириш учунгина компания фаолиятининг айрим жиҳатлари тўғрисида маълумот берибгина қолмасдан, яъни муайян бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдали бўлиши керак

7.Венчурли капитал – бу ?

А) тавккалчилик капитал киритишни белгилаш учун ишлатилади, у ўзини янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида кўрсатади...

Б) ишлаб чиқаришни қандай ташкил этиш борасида қарор қабул қилишда асосий тушунча бўлиб ҳисобланади

С) махсулот натижасидан қониқмаслик

Д) молиявий воситачиларни ташкил этишда маблағ жалб этиш

8.Самарадорлик – бу ?

А) ишлаб чиқаришни қандай ташкил этиш борасида қарор қабул қилишда асосий тушунча бўлиб ҳисобланади.

Б) ўзини махсулотини таннархини ошириш;

С) тавккалчилик капитал киритишни белгилаш учун ишлатилади, у ўзини янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида кўрсатади

Д) молиявий ва хўжалик фаолияти соҳасида мустақиллик

9.Релавентлик – бу ?

А) Бошқарув ҳисоботи фақат қизиқишни қондириш учунгина компания фаолиятининг айрим жиҳатлари тўғрисида маълумот берибгина қолмасдан, яъни муайян бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдали бўлиши керак....

Б) Бошқарув фаолияти самарали қарор қабул қилишга имкон берувчи муддатда тақдим этилиши керак

С) Бошқарув ҳисоботи муайян манзилдаги шахсларга уларнинг бошқарув даражасидаги ўрнига мувофиқ ҳолда тақдим этилиши керак

Д) Ҳисоботдаги ахборот тегишли бўғинда Бошқарув қарорини қабул қилиш учун етарли бўлиши

10.Тезкорлик – бу ?

А) Бошқарув фаолияти самарали қарор қабул қилишга имкон берувчи муддатда тақдим этилиши керак, акс ҳолда у Бошқарув учун деярли яроқсиз бўлиши мумкин.....

Б) Бошқарув ҳисоботи фақат қизиқишни қондириш учунгина компания фаолиятининг айрим жиҳатлари тўғрисида маълумот бериб борилади

С) Бошқарув ҳисоботи муайян манзилдаги шахсларга уларнинг бошқарув даражасидаги ўрнига мувофиқ ҳолда тақдим этилиши керак

Д) Ҳисоботдаги ахборот тегишли бўғинда Бошқарув қарорини қабул қилиш учун етарли бўлиши

11.Манзилга йўналганлик – бу ?

А) Бошқарув ҳисоботи муайян манзилдаги шахсларга уларнинг бошқарув даражасидаги ўрнига мувофиқ ҳолда тақдим этилиши керак...

Б) муайян бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдали бўлиши

С) Бошқарув ҳисоботи унинг фойдаланувчиларига тушунарли бўлиши керак

Д) Ҳисоботдаги ахборот тегишли бўғинда Бошқарув қарорини қабул қилиш учун етарли бўлиши

12.Етарлилик - бу ?

А) Ҳисоботдаги ахборот тегишли бўғинда Бошқарув қарорини қабул қилиш учун етарли бўлиши...

Б) тавккалчилик капитал киритишни белгилаш учун ишлатилади, у ўзини янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида кўрсатади

С) молиявий ва хўжалик фаолияти соҳасида мустақиллик

Д) таййор махсулот етказиб бериш

13.Таҳлилийлик - ? Бошқарув ҳисоботи жорий таҳлил маълумотларини мужассам этиб, кейинги таҳлилни энг кам вақт сарфлаб ўтказиш имкониятини назарда тўтиш керак...

А) Бошқарув ҳисоботи жорий таҳлил маълумотларини мужассам этиб, кейинги таҳлилни энг кам вақт сарфлаб ўтказиш имкониятини назарда тўтиш керак

Б) Бошқарув фаолияти самарали қарор қабул қилишга имкон берувчи муддатда тақдим этилиши

С) божхона божининг таҳлили

Д) молиявий воситачиларни ташкил этишда маблағ жалб этиш

14.Тушунарлилик- ?

А) Бошқарув ҳисоботи унинг фойдаланувчиларига тушунарли бўлиши керак...

Б) ишлаб чиқаришни қандай ташкил этиш борасида қарор қабул қилишда асосий тушунча бўлиб ҳисобланади

С) махсулот натижасидан қониқмаслик

Д) молиявий воситачиларни ташкил этишда маблағ жалб этиш

15.Ишончлилик – бу ?

А) Бошқарув ҳисоботининг ишончлилиги унда хато ва ноаниқликлар йўклигини англатади...

Б) лойихавий кампаниянинг банк олдидаги тўлов мажбуриятини қисман ёки умуман бажарилмаслигидир

С) бу лойихавий махсулотни сотилишидан келиб тушган валютани кредит валютаси билан мос келмаслигидир.

Д) маълумотнинг хато ва ноаниқликлар борлигини алоҳида таққослаш

20.Таккосланувчалик - ?

А) Бошқарув ҳисоботининг таққосланувчанлиги фойдаланувчиларга бир неча тўплам ҳисоботларда тақдим этилган ахборотдаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш имконини беради...

Б) тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинган корхоналарнинг мажбуриятлари

С) босқичма-босқич ёки бўнак асосида ҳақ тўланадиган ишларга қилинган хужжатлар

Д)таййор махсулотни кўздан кечириш

21.Кредит риси –?

- А) бу лойихавий кампаниянинг банк олдидаги тўлов мажбуриятини қисман ёки умуман бажарилмаслигидир...
- Б) Ҳукумат миллий валютада сотишни талаб этса, ҳавотир тугилиши
- С) бу лойихавий маҳсулотни сотилишидан келиб тушган валютани кредит валютаси билан мос келмаслигидир.
- Д) бу риск кредит ресурсларини сўзиб юрувчи курсда флйдаланишида келиб чиқади

22.Валюта риси – ?

- А) бу лойихавий маҳсулотни сотилишидан келиб тушган валютани кредит валютаси билан мос келмаслигидир...
- Б) бу лойихавий кампаниянинг банк олдидаги тўлов мажбуриятини қисман ёки умуман бажарилмаслигидир
- С) бу риск кредит ресурсларини сўзиб юрувчи курсда флйдаланишида келиб чиқади
- Д) ташаббускор банк саноатдаги турли кийинчиликларни ҳисобга олиш ва узи мажбур бўлиб қолиш мумкин

23.Фойиз ставкасини узгартириш риси – ?

- А) бу риск кредит ресурсларини сўзиб юрувчи курсда фойдаланишида келиб чиқади...
- Б) Ҳукумат миллий валютада сотишни талаб этса, ҳавотир тугилиши
- С) бу лойихавий маҳсулотни сотилишидан келиб тушган валютани кредит валютаси билан мос келмаслигидир.
- Д) ташаббускор банк саноатдаги турли кийинчиликларни ҳисобга олиш ва узи мажбур бўлиб қолиш мумкин.

24.Кайта молиялаш риси – ?

- А) ташаббускор банк саноатдаги турли кийинчиликларни ҳисобга олиш ва узи мажбур бўлиб қолиш мумкин...
- Б) бу шундай риски, бунда инфляциянинг ўсишида нарх даражасининг пасайиши содир бўлади, тадбиркорлик иқтисодий шароитлари ёмонлашиб, даромадлар пасаяди
- С) бу шундай риски, бунда инфляциянинг ортишида олинаётган пул даромадлари реал харид қобилияти нуқтаи назаридан тезроқ қадрсизланади
- Д) бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мол етказиб берувчилари рисидир

25.Инфляцион риск - ?

- А) бунда инфляциянинг ортишида олинаётган пул даромадлари реал харид қобилияти нуқтаи назаридан тезроқ қадрсизланиши...
- Б) Ҳукумат миллий валютада сотишни талаб этса, ҳавотир тугилиши
- С) бу лойихавий маҳсулотни сотилишидан келиб тушган валютани кредит валютаси билан мос келмаслигидир
- Д) ташаббускор банк саноатдаги турли кийинчиликларни ҳисобга олиш ва узи мажбур бўлиб қолиш мумкин

26. Дефляцион риск – бу шундай рискки,

А) бунда инфляциянинг ўсишида нарх даражасининг пасайиши содир бўлади, тадбиркорлик иқтисодий шароитлари ёмонлашиб, даромадлар пасаяди...

Б) бунда инфляциянинг ортишида олинаётган пул даромадлари реал харид қобилияти

С) бюджет ташкилотларига қўйилган талабномалар

Д) бу лойихавий махсулотни сотилишидан келиб тушган валютани кредит валютаси билан мос келмаслигидир

27. Лизинг шартномасида қўйидагилардан қайси бири кўрсатилади:

А) лизинг объекти, ижара муддати, етказиб бериш муддати...

Б) ижара олувчининг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи

С) шартномани бекор қилиш шартлари юқлиги

Д) сотиб олиш ва сотиб юбориш

28. Молиявий лизинг - ?

А) лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан белгиланган мулкни сотувчидан сотиб олиш ва лизинг олувчига белгиланган тўлов ва лизинг предмети тўлиқ амортизация муддатига тенг бўлган муддатга маълум бир шартлар асосида вақтинчалик фойдаланишга беришдир...

Б) лизинг берувчи мулкни сотиб олиб, уни лизинг предмети сифатида белгиланган тўлов ҳисобига айтилади

С) бунинг бир тамонида чет эл ҳамкори туради

Д) ишонувчининг манфаатларини химоя қилиш учун вакиллик қилиш

29. Оператив лизинг - ?

А) лизинг берувчи мулкни сотиб олиб, уни лизинг предмети сифатида белгиланган тўлов ҳисобига, шартномада белгиланган маълум бир муддатда тегишли шартлар асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишни лизингга олувчига беради....

Б) лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан белгиланган мулкни сотувчидан сотиб олиш ва лизинг олувчига белгиланган тўлов

С) лизинг предмети тўлиқ амортизация муддатига тенг бўлган муддатга маълум бир шартлар асосида вақтинчалик фойдаланишга беришдир

Д) миқдорнинг шахсий ҳисоб варагини, молия-хўжалик фаолиятини юритиш

30. Траст операциялар - ?

А) асосан мулкни бошқариш билан боғлиқ бўлган операциялар тушунилади...

Б) лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан белгиланган мулкни сотувчидан сотиб олиш ва лизинг олувчига белгиланган тўлов ва лизинг предмети тўлиқ амортизация муддатига тенг бўлган муддатга маълум бир шартлар асосида вақтинчалик фойдаланишга беришдир

С) лизинг берувчи мулкни сотиб олиб, уни лизинг предмети сифатида белгиланган тўлов ҳисобига, шартномада белгиланган маълум бир муддатда тегишли шартлар асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишни лизингга олувчига беради.

Д) ташкилот ишларини вақтинча бошқариш каби банк амалиётларини киритишимиздир

ТЕСТ 2

1. Узок муддатли режалаштиришда белгиланадиган асосий соҳалар сифатида қуйидагиларни қайси бирини келтириш мумкин?

А) ташкилий таркиби; капитал қуйилмалар;...

Б) солиқ имтиёзлари

С) божхона божи

Д) таййор махсулот

2. Молиявий режа булимларини қўсатинг?

А) Хисоб сиёсати; Инвестицион сиёсат...

Б) солиқ имтиёзлари; банк имтиёзлари

С) божхона имтиёзлари; солиқ имтиёзлари

Д) таййор махсулот; нақт пул хисоби

3. Бюджетларнинг асосий белгилари буйича гурухланишида, субъект фаолиятининг соҳалари буйича қайсиларга бўлинади?

А) Операцион фаолият буйича бюджетлар...

Б) Капитал бюджет (капитал харажатларнинг бюджети)

С) Функционал бюджет:

Д) Доимий бюджет

4. Бюджетларнинг асосий белгилари буйича гурухланишида, харажатнинг турлари буйича қайсиларга бўлинади?

А) Жорий бюджет...

Б) Молиявий фаолият буйича бюджетлар

С) Инвестиция фаолияти буйича бюджетлар

Д) Тескари бюджет харажарлари айланмаси

5. Бюджетларнинг асосий белгилари буйича гурухланишида, корхоналарнинг кенглик руйхатлари буйича қайсиларга бўлинади?

А) Комплекс бюджет; Функционал бюджет:...

Б) Мослашувчан бюджет; Капитал бюджет

С) Ишлаб чиқариш усуллари буйича

Д) Тескари бюджет харажарлари айланмаси

6. Капитал бюджет—?

А) аниқ ижрочиларга капитал қуйилмаларнинг жорий режасини етказиб бериш шаклидир...

Б) лойихавий кампаниянинг банк олдидаги тўлов мажбуриятини қисман ёки умуман бажарилмаслигидир

С) бу лойихавий махсулотни сотилишидан келиб тушган валютани кредит валютаси билан мос келмаслигидир

Д) маълумотнинг хато ва ноаниқликлар борлигини алоҳида таққослаш

7- бу ялпи даромад олиш билан боғлиқ бўлган корхона молиявий ресурсларининг асосий манбасидир.

А) Фойда...

Б) маъсулот

С) таннарх

Д) реклама

8.Пул маблағларининг ҳаракат йўналишлари бўйича пул оқимлари нечта асосий шаклга ажратилади?

А) 2..

Б)3

С)4

Д)5

9.Ҳажмини ҳисоблаш усуллари бўйича пул оқимлари қандай шаклларга ажратилади:

А) ялпи пул оқимлари...

Б) Фойда

С)таннарх

Д)реклама

10.Ҳажмининг етарлилик даражаси бўйича пул оқимлари қандай шаклларга ажратилади?

А)пул оқимларининг етарлилиги...

Б) ялпи пул оқимлари

С) Фойда

Д) жорий пул оқимлари

11.Пул оқимлари даврда баҳолаш усуллари бўйича қандай шалларга ажратилади?

А) жорий пул оқимлари...

Б) ялпи пул оқимлари

С) пул оқимларининг етарлилиги

Д) Фойда

12.Пул оқимлари кўриладиган даврда шакллантирилишининг узлуксизлиги бўйича қандай шаклларга ажратилади?

А)доимий пул оқимлари;

Б) ялпи пул оқимлари

С) пул оқимларининг етарлилиги

Д) жорий пул оқимлари

13.Халқаро молиявий амалиётда боғланган ресурсларни икки мезон асосида кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланади:

А) корхона қуввати билан боғлиқлик мезон...

Б) аниқлик билан боғлиқлик мезон

С) пул оқимларининг етарлилиги мезон

Д) жорий пул оқимлари мезон

14.Пул маблағларини бошқаришнинг асосий тушунчаларидан бири тушунчасидир.

А) пул оқими цикли...

Б) пул оқимларининг етарлилиги

С) жорий пул оқимлари

Д) доимий пул оқимлари

15..... бу – вақтнинг шундай бир қисмики, унинг давомида пул маблағларини айланма маблағларга жалб қилиниши, ушбу активларни ишлатилиши натижаси сотилиши ва сотишдан олинган тушумнинг келиб тушиши амалга оширилади.

А) пул оқими цикли...

Б) пул оқимларининг етарлилиги

С) жорий пул оқимлари

Д) доимий пул оқимлари

16. - бу инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар,фавқулодда ҳодисалар ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талофатларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган суғурта бадалларидан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ва қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлардир.

А) Суғурта

Б) Молия

С) ФВВ

Д) Хавфсизлик компанияси

17.Шунинг билан суғуртанинг қўйидаги ўзига хос функциялари мавжуд:

А) Хавф-хатар,Огоҳлантириш, Инвестиция,Омонат ,Ахборот

Б) Молия, Суғурта, Ахборот, Огоҳлантириш,

С) ФВВ,Огоҳлантириш, Омонат

Д) Хавфсизлик компанияси, Хавф-хатар,

18..... бу – унинг ҳимоя объектлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қарши чиқмайдиган, суғуртачи ёки суғурта қилинган шахснинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнатга лаёқатлиги ва нафақа билан таъминланганлиги билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлардир.

А) Шахсий суғурта тармоғи

Б) Жавобгарлик суғуртаси

С) ФВВ

Д) Хавфсизлик компанияси

19..... бу - унинг ҳимоя объекти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қарши чиқмайдиган, суғуртачи томонидан шахсга ёки жисмоний шахс мулкига у томондан етказилган зарарни, шунингдек суғуртачи маблағлари ҳисобига юридик шахсга етказилган зарарни ўндириш билан боғлиқ мулк манфаати ҳисобланади.

Жавобгарлик суғуртаси

А) Жавобгарлик суғуртаси

Б) Шахсий суғурта тармоғи

С) ФВВ

Д) Хавфсизлик компанияси

20. бу – йўқотилган мулкнинг қиймати ёки зарарланган мулкнинг таъмирланган қисмидир.

- А) Зарар
- Б) Шахсий суғурта тармоғи
- С) Жавобгарлик суғуртаси
- Д) Хавфсизлик компанияси фойдаси

21. Суғурта сўзининг туб илдиз маъноси нима?

- А) кўрқув
- Б) сармоя
- С) пул муносабати
- Д) қарз

22. Қачон Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

- А) 2002 йил 5 апрелда
- Б) 2001 йил 5 апрелда
- С) 2003 йил 5 апрелда
- Д) 2004 йил 5 апрелда

23. Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини икки турга бўлиш мумкин:

- А) суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар;
- Б) суғурта фаолиятидаги махсус жамғарма;
- С) суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус кодекс;
- Д) суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус фонд;

24. – суғурта хизматларини кўрсатишга ихтисослашган ва тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар.

- А) Суғурталовчи
- Б) Суғурталанувчи
- С) Суғурта ходими
- Д) Суғурта агенти

ТЕРМИНЛАР

МОЛИЯ – давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариши ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларининг шакллантирилиши, тақсимланилиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар жаммуидир.

Марказлашган пул фондлари - давлат ва маҳаллий ҳокимият миқёсида жамланган пул фондлари.

Марказлашмаган пул фондлари - хўжалик юритувчи субъектлар ва уй хўжаликлари миқёсида жамланган пул фондлари.

Муносабатларнинг пулли хусусияти - яратилган қийматни тақсимлаш билан боғлиқ пул муносабатлари ҳамда турли хил пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ муносабатлар.

Муносабатларнинг тақсимлаш хусусияти - бирламчи тақсимлаш (иш ҳақи фондини шакллантириш, фойдани шакллантириш ва бошқалар) ва қайта тақсимлаш (иш ҳақи фондини тақсимлаш, фойдани тақсимлаш, солиқлар).

Муносабатларнинг фондлилиқ хусусияти - марказлаштирилган пул фондлари (давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар) ва марказлаштирилмаган пул фондлари (корхоналарда шакллантириладиган моддий рағбатлантириш, истеъмол ва бошқа фондлар).

Ижтимоий истеъмол фондлари - маориф, соғлиқни сақлаш, бошқарув, муҳофаа, социал таъминот, социал суғурта ва бошқалар бўлиб, уларнинг асосий қисми Давлат бюджети орқали амалга оширилади.

Шахсий истеъмол фондлари - шахсий жамғарма ва истеъмол фондларини ташкил этиб, айнан шахсий истеъмол фондининг ана шу икки қисми товар механизмининг фаолият кўрсатиши учун тегишли шароитни яратади.

Молиявий аппарат — молияни бошқаришни шакллантирувчи ташкилий - тузилмавий аппарат.

Оператив бошқариш бу - минимал ҳаражат қилиб максимал самарага эришиш ва молиявий ресурсларни юқори самара олиш учун қайта тақсимлашга қаратилган комплекс ишлар йиғиндисидир. Оператив бошқариш эгилувчанлик хусусиятига эгадир.

Назорат - бошқарув элементи сифатида бир вақтнинг ўзида молияни режалаштиришда ҳамда оператив бошқаришда қўлланилади. Назорат ҳақиқий натижа билан режадаги кўрсаткичларни таққослашга ёрдам беради, молиявий ресурсларни ўстириш йўллари кўрсатади ва улардан самарали хўжалик юритиш йўллари кўрсатиб беради.

Давлат бюджети - давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади

давлат мақсадли фондлари - Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган фондлар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

давлат қарзи - давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

маҳаллий бюджет - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

Молия бозорлари ва институтлари

Молия бозори - мураккаб иқтисодий категория бўлиб, асосан капитал эгаси бўлган мулкдорлар билан қарз олувчилар ўртасидаги муносабатларни ифодалаб, бу муносабатлар маълум молиявий институтларнинг ёрдами билан амалга оширилади.

Бозор инфратузилмаси - бозор алоқаларини ўрнатишда иштирок этувчи, яъни сотувчилар ва харидорларга хизмат кўрсатувчи институтлардир, яъни фирма ва турли муассасалардир.

Молиявий институтлар - инвесторлар билан омонатчилар ўртасида фаолиятнинг ўзлари машғул бўлган туридан фойда олувчи воситачилик фаолияти билан шуғулланадиган шахслардир. Банклар, пенсия ва инвестиция фондлари, суғурта компаниялари, товар, хом ашё ва фонд биржалари, акциядорлар ва бошқалар молиявий воситачи сифатида ҳаракат қиладилар.

Молиявий воситачилар қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун тақсимлаш ва назорат вазифасини бажарадилар, зеро тўпланган фондларни тўғри тақсимлашгина эмас, балки улардан жамият учун нағадар самарали, қандай фойда билан ишлатилаётганлигини назорат қилиш ҳам муҳим

Пул бозори Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини жорий қилиш объекти ҳисобланади. У кредит муассасаларининг активлари билан савдо қилиш учун мўлжалланган, бу активлар Марказий банкда кредит муассасаларининг энг муҳим ликвид маблағлари захиралари бўлиб хизмат қилади.

Пул бозори давлат хазинасига бевосита нақд пул тушишини таъминлайди ва фирма ёки жисмоний шахсга ўзларининг вақтинчалик бўш маблағларидан даромад олишга имкон беради. Пул бозорисиз тўлик маънодаги молия бозори бўлиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар бозори - бозор иқтисодиётини асосий элементларидан бири, молия бозорининг бир қисми ҳисобланиб, фондларни йиғиб, уларни молиявий активларга айлантириб, иқтисодиётни ривожлантириш учун сармоя сифатида йўналтиришга хизмат қилади.

Ёпиқ биржа - бу биржадаги ундаги савдоларда фақат унинг аъзоларигина иштирок этишлари мумкин;

Ташриф буюрувчиларнинг эркин кириши мумкин бўлган биржалар - ундаги битимларни фақат маклерларгина амалга оширадилар.

Капитал бозори. Бу бозорда жисмоний ва юридик шахсларнинг узоқ муддатли омонатларини молиявий воситачилар инвестицион кредит сифатида ишлатадилар.

Пул бозори. Фондлар фақат узоқ муддатли инвестицияларгагина эмас, балки қисқа муддатли қимматли қоғозлар - қисқа муддатли хазина мажбуриятлари, векселлар ва ҳоказоларга қўйилиши мумкин.

Акциялар улушга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз.

Акция-акционерлик жамияти томонидан чиқарилган даромад келтирувчи қоғоз.

Акциянинг номинал қиймати - бу акцияда ёзилган пул суммасидир.

Одий акциялар шундай акцияки унга тегадиган дивиденд фойдага қараб ҳар хил бўлади.

Имтиёзли акция шундай акцияки, унга тегадиган дивиденд фойдага қараб эмас, балки заёмга тўлангани каби, олдиндан белгиланган қатъий фоиз миқдорида берилади.

Облигация - бу ўз қийматига нисбатан қатъий белгиланган фоиз шаклида даромад келтирувчи қимматли қоғоздир.

Банк сертификати - бу эмитент банк томонидан унинг номига миқдорнинг пул маблағлари қўйилгани тўғрисида берилган ёзма гувоҳнома бўлиб, у ўзининг эгасига (ёки унинг ворисига) белгиланган муддат ўтиши билан банкка қўйган пул суммасини ва бу қўйилган пул суммаси бўйича фоиз даромадини олиш ҳуқуқи борлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Банк сертификати - бу банкнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятидир. Унинг қисқа муддатли эканлиги, инфляция суръатлари билан ҳам улчовлиги, ликвидлиги ва юқори даромадлиги бенифициарига, агар у ўз капиталлигини қўпайтира олмаган тақдирда ҳеч бўлмаганда бу капиталини дастлабки миқдори даражасида сақлаб қолиш имконини беради.

Хосилавий қимматли қоғозлар - бу бирламчи қимматли қоғозларнинг шу бозорда амал қилиши натижасида ҳосил бўлган иккиламчи қимматли қоғозлардир. Хосилавий қимматли қоғозлар ўз эгасига бирламчи қоғозларни сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқини беради. Уларнинг қиймати бошқа қоғозлар орқали гавдаланади.

Фьючерс - бу қимматли қоғозларни ёки товарларни келишилган муддатда шартнома тузилган кунда ўрнатилган нархда келгусида сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлиги тўғрисидаги шартномадир.

Евронота - бу либорга асосланиб, ўзгарувчан ставкада 3 ойдан 6 ойгача муддат билан чиқириладиган коорпорацияларнинг қимматли қоғозларидир.

Инвестицияларни Кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик - 1998 йилда ривожланаётган мамлакатларда хусусий инвесторларга кумаклашиш учун тузилган, бундан мақсад инвесторларни нотижорий хатарлардан (яъни, ҳуқуқий ёки сиёсий хатарлардан уруш, сиёсий ларзалар, миллийлаштириш хатаридан инвестиция бериладиган мамлакат ҳукуматининг хатти-ҳаракатларидан) ҳимоя қилишдир.

Ҳалқаро Ҳисоб-Китоблар Банки 1930 йилда Европанинг 5 мамлакати ва Осиё етакчи давлати Япония томонидан марказий банкларнинг ҳалқаро банки сифатида тузилган. Марказий банклар Ҳалқаро ҳисоб-китоблар Банкнинг асосчилари, раҳбарлари ва мижозларидир.

Корхона ва ташкилотлар молияси

Корхона ва ташкилотлар молияси- хужалик юритувчи субъект ва давлат пул ресурслари фондини ташкил қилиш ва улардан такрор ишлаб чиқариш, рағбатлантириш ва жамиятнинг итимоий эҳтиёжларини кондириш мақсадларида фойдаланишдаги пул муносабатларини йигиндисидир.

Корхоналар молиясини бошқаришнинг асосий вазифаси пул маблағлари манбасини оптималлаштириш

Тижорат корхоналари - асосий мақсади фойда олиш.

Нотижорат корхоналари - асосий мақсади фойда олиш эмас, балки ижтимоий ва иштирокчиларининг моддий манфаатларини кўзлаб фаолият юритадилар.

Тижорат корхоналари ва ташкилотлари - молиявий бозорнинг ресурсларидан – банк кредитлари, облигациялар эмиссияси, депозит сертификатлари ва молиявий бозорнинг бошқа инструментлари – фойдаланган ҳолда инвестициялаштириш учун зарур бўлган маблағларни қидириб топадилар.

Нотижорат фаолиятни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шакллари – бевосита ва билвосита қўллаб-қувватлаш.

Бюджет ташкилоти - зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти;

Пулли хизмат кўрсатиш - бюджет ташкилотларининг кўрсатган хизматлари учун ҳақ олишлари.

Сметали молиялаштириш - молиявий ресурсларнинг асоси бюджет маблағларидан ташкил қилиниб, манбаси ҳам бюджет булади.

Корхоналар молиясини бошқариш

Молиявий ресурслар – бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва фондлари йиғиндисидир.

Қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар - банк кредитлар, - кредиторлик қарзлари, - акция ва аблигациялар чиқаришдан тушум.


Марказлашган молиявий ресурслар -хўжалик субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурслардир.

Марказлашган молиявий ресурслар - макродаражадаги ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириб, уларга бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари киради.

Реал инвeстиция- Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ноишлаб чиқаришни ривожлантиришга қирилган инвестициялар.

Портфел - Қимматли қоғозга қилинган инвестиция ва Бошқа корхонанинг акциясига киритиш .

Кроссворднинг жавоблари



Кроссворд А	Кроссворд Б
Рағбатлантириш	Миллий даромад
Икки	Омонат
Алмашув	Пул муносабатлари
Тақчиллик	Сиёсат
Назорат	Давлат
Математик	Иқтисодий
Молия	Молиявий Сиёсат
Капитал	Ҳисоб палаталари
Икки	Оператив
Вазирлар Маҳкамаси	Экстрополяция
Кроссворд С	Кроссворд Д
Режалаштириш	Евробозор
Баҳо сиёсати	Евровалюта
Ташкиллаштириш	Акциз
Икки	Норматив
Солиқ	Молия
Назорат	Баланс услуги
Тўрт	Инвестицион
Давлат бюджети	Истемол
Ссуда капитали	Таннарх
Банк	Молиявий режа
Кроссворд Г	
Баланс	
Молиявий тактика	
Режалаштириш	
Давлат кредити	
Давлат кредити	
Давлат бюджети	
Корхоналар молияси	
Пенсия жамғармаси	
Марказий	
Бюджет тизими	

ТЕСТ жавоблари

1-модул 1.1 Молияни мохияти		4-модул Молия бозори	6-Модул. 6.2 Молиявий режалаштириш- молиявий режа
1. С		1.Б	1.А
2.Д		2.Д	2.Д
3.С		3.Б	3.С
4.Д		4.С	4.Б
5.С		5.А	5.А
6.А		6.А	
7.Б		7.С	
8.С		8.Б	
9.Б		9.Д	
10.Д		10.А	
2-модул Молия сиёсати		5-Модул. Молиявий бошқарув	7-модул. 7.1 Молиявий назорат
1.А		1.А	1.Д
2.С		2.Б	2.А
3.Д		3.Д	3.Б
4.А		4.А	4.С
5.С		5.Б	5.С
6.С		6.Д	6.А
7.Б		7.С	7.А
8.А		8.А	8.Д
9. Д		9.Д	9.С
10.А		10.Б	10.А
3-модул Молия тизими		6-Модул. 6.1 Молиявий режалаштириш	8-Модул. Мулкчилик
1.Д	15. А		
2. А		1.А	1.А
3. Д		2.Д	2.Б
4.Б		3.Д	3.С
5. А		4.С	4.Б
6.С		5.А	5.Д
7.А		6.Б	6.А
8.Д		7.Д	7.А
9.Б		8.А	8.Б
10.А		9.Д	9.А
11.С		10.А	10.Д
12.Б			
13.С			
14.Б			

Асосий адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.
6. Барулин С.В. Финансы. Учебник. М.: КНОРУС, 2010. 640 с.
7. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. Тошкент, “Нашр”, 2011й. 712 б.
8. Маликов Т., Ҳайдаров Р. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма. Тошкент, “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009 й. 556 б.
9. Нешиной А. С., Воскобойников Я. М. Финанси. Учебник. - Москва: Дашков и К, 2010. - 528 с.
10. Сирожиiddинова З.Х. Бюджетлараро муносабатлар. Ўқув қўлланма - Т.: инфо КОМ. УЗ нашриёти., 2010 й. 156 б.
11. Сирожиiddинова З.Х. Бюджетная система Республики Узбекистан. Учебник. Т.: инфо КОМ. УЗ нашриёти., 2010. - 480 с.
12. Финансы: учебник для бакалавров / под ред. М.В.Романовского, О.В.Врублевской. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
13. Боди Зви;Мертон Роберт. Финанси.: Пер. с англ. Уч.пос. – Москва: “Вилямс” 2009. – 592.
14. Финансы: учебник / под ред. М.В.Романовского, О.В.Врублевской, Б.М.Сабанти. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт; Высшее образование, 2010. – 462 с.
15. Колчина Н. В. Финанси организаций (предприятий) учебник. - Москва: ЮНИТИ, 2011. - 407 с
16. Jeff Madura. International financial management. 6th ed.South-Western College Publishing.Cincinnati.2000.
17. Public finance. Harvey S. Rosen, Ted Gayer.10 th ed. United States.2013.
18. Marcia Cornett, Troy Adair, Finance: Applications and Theory, 2014 .
19. Jean-Pierre Danthine, John B. Donaldson, Intermediate Financial Theory, Third Edition, 2014.

Қўшимча адабиётлар

20. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
21. Юлдашев З.Ю., Маликов Т.С. “Молия: Уй хўжаликлари молияси”. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008. – 112 б.
22. Маликов Т.С. “Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси” (Ўқув қўлланма). – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009. – 288 б.
23. Маликов Т., Хайдаров Н. “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни”. Ўқув қўлланма, Тошкент: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008. – 84 б.
24. Маликов Т., Хайдаров Н. “Бюджет даромадлари ва харажатлари”. Ўқув қўлланма, Тошкент, “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2007. – 245 б.
25. Маликов Т., Хайдаров Н. “Давлат бюджети”. Ўқув қўлланма, Тошкент, “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2007. – 84 б.
26. Маликов Т.С., Ш. К. Жалилов. Молиявий тизим. Ўқув-услубий қўлланма.- Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2016 й., 116 б.
27. Маликов Т. Молия. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2018. – 268 б.
28. Нуриддинова В.Ш., Шарапова М. А. Молиявий назорат. Ўқув қўлланма. - Т.: " ИҚТИСОД-МОЛИЯ ", 2014 й., 344 б.
29. Хусайнов Р.Р. Молия ва солиқлар. II қисм (Солиқлар): ўқув қўлланма Т.: “Ворис-нашриёт”, 2014. – 336 б.

Интернет сайтлари

30. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
31. www.lex.uz– Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
32. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти.
33. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.
34. www.soliq.uz– Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси расмий сайти.
35. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.

[illegible]

Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти
Институт босмахонаси,
Шохрух кўчаси, 60

Буюртма № 159
Ҳажми 7,5 б.т.
Адади 10 нусха